
УЧҚЎПРИК ТУМАНИДА 15 ГЕКТАР МАЙДОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН “БОБОШБЕК” САВДО ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЖМУАСИ ЛОЙИХАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИБ, ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ЖАДАЛЛАШТИРИЛДИ

Бугун вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров Учқўприк туманида бўлиб, “Бобошбек” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 15 гектар майдонда бунёд этилаётган енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, логистика ва савдо комплекси лойиҳасини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишди.

“Фарғона вилоятининг Учқўприк туманида енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, логистика ва савдо тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори асосида амалга оширилаётган лойиҳага тадбиркорлар томонидан катта қизиқиш билдирилмоқда.

Вилоят ҳоқими мавжуд имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш, ишбилармонларга янада қулайлик яратиш, ҳудудда фаолият олиб бориш истагини билдирганлар кўплиги, хатто қўшни шаҳар-туманлардан ҳам мурожаатлар келиб тушаётгани сабаб улар эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида биноларни дастлабки сметада кўрсатилганидек 2 қаватли эмас, балки 3 қаватли қилиб қуриш юзасидан кўрсатма бериб, уларнинг нархлари қаватларга қараб белгиланиши кераклигини айтди. Юқларни юқори қаватларга олиб чиқиш учун махсус лифтлар қўйиладиган бўлди.

Юртимизда илк бор барпо этилаётган замонавий енгил саноат ва савдо мажмуасида 2 та логистика маркази, 212 та ишлаб чиқариш цехи, 336 та савдо дўкони, 560 та кичик савдо растаси ташкил этилиши режалаштирилган. 7 минг 700 дан ортиқ фуқаролар ўз иш ўринларига эга бўлишади.

“Газ, сув, электр энергияси каби коммуникация тармоқларини тортиш ишлари бошланган. Тадбиркорларга барча шарт-шароитлар яратилади”, - деди Хайрулло Бозоров.

Қурилиш ишларини амалга ошириш учун вилоятимиздаги йирик қурилиш компаниялари жалб этилмоқда. Вилоят раҳбари бино-иншоотлар хориж тажрибаси ва талаблари даражасида, юқори сифатда барпо этилиши кераклигига қурувчилар ҳамда мутасаддиларнинг алоҳида эътиборини қаратди. Лойиҳани яқунлаб фойдаланишга топшириш учун олти ой муддат белгилаб берилди.

Ушбу лойиҳа орқали асосан “Бобошбек”, “Бекмурод”, “Зиғир”, “Палохон” ва “Яккамулла” маҳалла фуқаролар йиғинларида ўз хонадонларида тикувчилик, трикотаж маҳсулотлари тайёрлаб келаётган аҳолига қулайлик яратиш кўзда тутилган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-10-12 21:29:12